

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ КОНГРЕССМЕНЛАРИ БИЛАН АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 октябрь куни Америка Қўшма Штатлари Конгресси Вакиллар палатасининг конгрессменлар Дон Бэйкон, Дуг Ламборн, Трой Нельс ва Август Пфлюгердан иборат делегациясини қабул қилди.



АҚШ делегацияси икки томонлама парламентлараро ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир келишувлар доирасида мамлакатимизда бўлиб турибди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари парламентлар даражасидаги фаол алоқалар ва самарали

алмашинувларни, улар Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик муносабатларини жадол ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётганини юксак баҳолади.

АҚШ Конгрессида ташкил этилган Ўзбекистон бўйича кокус — дўстликни мустаҳкамлаш ва конструктив мулоқотни илгари суриш борасида парламент гуруҳининг нуфузи ортиб бормоқда, фаолияти

кенгаймоқда. Бугунги кунда кокус томонидан кўп қиррали ҳамкорликни ва мамлакатимиздаги ислохотлар дастурини қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор муҳим лойиҳалар илгари сурилган.

Конгрессменлар янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгиланишлар стратегияси мамлакат барқарор тараққиётининг муҳим омили экани ҳамда унинг

халқаро майдондаги обрўси сезиларли даражада юксалишига хизмат қилганини алоҳида таъкидладилар.

Шунингдек, Афғонистондаги инсонпарварлик операциялари қўллаб-қувватлангани учун самимий миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида парламентлараро йўналиш билан бир қаторда АҚШ делегация-

си аъзолари вакиллик қилаётган етакчи штатлар — Небраска, Колорадо ва Техас билан ҳамкорлик бўйича лойиҳа ва дастурлар муҳокама қилинди.

Инновациялар ва саноат технологиялари, IT соҳаси, қишлоқ ҳўжалиги, “яшил энергетика”, соғлиқни сақлаш ва таълимда кооперацияни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув якунида қўшма “Йўл харитаси”ни тайёрлаш ва ишбилармонлик миссияларининг ўзаро ташрифларини ташкил этиш юзасидан келишувга эришилди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИНИ ЯНАДА РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА ЕР ҚАЪРИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРГА СОЛИҚ СОЛИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Чет эл инвестицияларини кенг жалб қилган ҳолда фойдали қазилма конларини саноат усулида ўзлаштириш, замонавий усуллар ва технологиялар ёрдамида геология-қидирув ишларини рағбатлантириш ҳамда ер қаъридан фойдаланувчиларга солиқ солиш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида:

- Белгилансинки, **2022 йил 1 январдан** бошлаб муҳим тижорат салоҳиятига эга бўлган углеводородлар, қимматбаҳо, рангли, нодир ва радиоактив металлар ва бошқа турдаги рудали фойдали қазилмалар объектлари бўйича геологик ўрганиш ёки авария ўрганилган ер қаъри участкасида қазил ишлари учун **ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини танлов савдоларига** чиқаришнинг махсус тартиби ўрнатилади. Бунда: **сотув суммаси ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқи учун бонус суммаси сифатида қаралади** ва танлов савдолари ташкилотчиларининг харажатларини чеғирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси **республика бюджетига ўтказилади**;
- танлов савдолари ташкилотчиси ёки танлов савдолари иштирокчилари қонунчиликда белгиланган тартибда фойдали қазилмаларни қазиб олишда (ажратиб олишда) айрим солиқ турлари бўйича **солиқ ставкаларини оширилган миқдорда тақлиф** қилиш ҳуқуқига эга.
- Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2022 йил 1 январдан бошлаб фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳуқуқи учун ундириладиган **тижоратбон топилма бонусини** ҳамда фойдали қазилмаларни аниқлаш ва разведка қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун ундириладиган **имзоли бонусни бекор қилиш** ҳақидаги тақлифга розилик берилсин.
- Белгилансинки, **2022 йил 1 январдан бошлаб**:
 - а) геология-қидирув ва (ёки) изланиш ишлари ўтказиш учун ажратилган ер участкалари юридик шахслардан олинадиган **ер солиғи солиш объекти ҳисобланмайди**;
 - б) ажратилган майдон ва фойдали қазилма турларидан келиб чиқиб, қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган миқдорда ҳисоблаб чиқиладиган, **геологик ўрганишлар учун ер қаъридан фойдаланганлик учун ҳар йиллик лицензия тўлови жорий қилинади**;
 - в) **геологик ўрганишлар учун ер қаъридан фойдаланганлик учун ҳар йиллик лицензия тўлови** қўйидагиларга йўналтирилади:
 - 70 фоизи — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига;
 - 15 фоизи — вилоят маҳаллий бюджетига;
 - 15 фоизи — туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига.

БАНДЛИК МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги ишчи гуруҳ аёллар бандлигини таъминлаш ҳолатини ҳамда уларга яратилган шароитларни яқиндан ўрганиш, Аёллар маслаҳат кенгаши аъзолари ва “аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар билан учралиш мақсадида Хоразм вилоятига ташриф буюрди.

Халқ билан мулоқот

Ишчи гуруҳ дастлаб, Урганч шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономаркази фаолияти билан танишди.

Бундан олти ой муқаддам фаолиятини бошлаган ушбу марказда 5 та йўналишда

24 турдаги касбга ўқитилади. Тингловчиларнинг асосий қисми иш билан банд бўлмаган хотин-қизлардан иборат. Ҳукув курсларини тамомлаганларнинг 35 нафари “темир дафтар”, 385 таси “аёллар

НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ҚОНУН БИЛАН МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Маълумотларга кўра, юртимизда 66 та микрокредит ташкилоти, 67 та ломбард ва битта ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти фаолият юритмоқда. Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасида мазкур ташкилотларнинг фаолиятини тартибга солишга қаратилган ҳужжат — “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаш фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланмоқда.

Куйи палата қўмитасида

Ҳужжатда банкларнинг айрим турдаги молиявий операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи моддаларни тизимлаштириш ва бирхиллаштиришга қаратилган нормалар ўз аксини топишмоқда.

Шунингдек, лойиҳада нобанк кредит ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос хусу-

сиятларини ҳисобга олган ҳолда, улар томонидан амалга оширилаётган (кўрсатиладиган) молиявий операциялар (хизматлар) рўйхати белгиланяпти. Хусусан, микромолия ташкилотлари амалга оширадиган операциялар жумласига тадбиркорлик субъектларига микрокредит суммасидан ошган миқдорда кредит ва лизинг ажратишга, факторинг хизматларини кўрсатишга, кафолат беришга рухсат берилмоқда.

Бундан ташқари, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари томонидан ипотека кредитларини қайта молиялаштириш усуллари ҳам ўз аксини топяпти.

Йўғилишда қонун лойиҳаси юзасидан берилган ҳар бир тақлиф ва тавсиялар ишчи гуруҳи аъзолари томонидан атрофлича ўрганилиб, лойиҳага сингдирилмоқда.

Муҳокамалар жараёнида лойиҳадаги нобанк кредит ташкилотларида бухгалтерия

ҳисоби ва ҳисоботлар ҳақидаги нормалар “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунга мувофиқлаштирилди.

Лойиҳадаги айрим нормаларга таҳририй ўзгаришлар киритилди.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши банкларнинг айрим турдаги молиявий операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи нормаларни тизимлаштириш ва бирхиллаштиришга хизмат қилади.

Мазкур қонун лойиҳасини такомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».



3



Газетамизнинг бугунги сонида сайловдоти ташвиқоти доирасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Сайловдоти дастуридан ўрин олган кўпала устувор йўналишларга оид мақола чоп этиляпти.

Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловдоти ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

2-саҳифага қаранг. >>>

МДҲ ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АССАМБЛЕЯСИНИНГ УЗОҚ МУДДАТЛИ КУЗАТУВЧИЛАРИ ЮРТИМИЗДА

Марказий сайлов комиссияси тақлифига биноан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатлари Парламентлараро Ассамблеяси (МДҲ ПА)нинг узоқ муддатли кузатувчилари мамлакатимизда бўлиб турибди.

Кеча Марказий сайлов комиссиясида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатлари Парламентлараро Ассамблеяси Кенгаши Котибияти раиси ўринбосари — МДҲ ПА иштирокчи давлатларида демократиянинг ривож-

ланиши, парламентаризм ва фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш халқаро институти (ДПРХИ) директори И. Мушкет бошчилигидаги делегация вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.



3

ФАРОВОНЛИК МАНБАИ РИВОЖИ ОЛИМЛАРГА КАТТА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

Мамлакатимиз иқлим шароити ва табиий ресурсларимиз чорвачиликнинг барча тармоғини, жумладан, паррандачилик, йилқичилик, балиқчилик, асаларичилик ва ҳоказо — бирдек ривожлантириш имконини беради. Зотан, халқимиз дастурхони тўкин бўлиши, озик-овқат хавфсизлиги кафолати учун ҳам бу соҳа тизимли равишда равнақ топиши ҳаётий заруратдир.

Нуқтаи назар

Кейинги тўрт-беш йил ичида мамлакатимизда чорвачилик соҳасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Шу билан бирга, айрим камчилик ва муаммолар ҳам тобора кўпроқ кўзга ташланмоқда.

Хўш, аввало, ютуқларимиз нималарда кўринади? Парран-

дачилик тармоғида, очиги, бундан тўрт йил олдин вазият жуда танг эди. Паррандаларни парваришлаш, озуқа рақсони борасида аниқ билим ва тажриба йўқлиги боис, ҳатто аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган пархез гўшт ва тухум маҳсулотларини валюта эвазига

четдан келтиришга мажбур эдик. Зудлик билан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида (бунда илмий тадқиқотларнинг ҳам таъсири сезиларли бўлди) кўрсаткичлар яхши томонга ўзгарди.

Озик-овқат хавфсизлигини барқарор таъминлашда паррандачиликни ривожлантириш катта аҳамиятга эгаллиги ўз тажрибамиз мисолида исботини топди, деб бемалол айтиш мумкин. Чорвачиликнинг тез етилувчан ушбу тармоғидаги ўзгаришлар пархез гўшт ва тухум маҳсулотлари таъминотини яхшилашга замин яратди.



6

Муносабат

Бош Ассамблея йиғинида муҳокама қилинаётган коронавирусга қарши кураш, иқлим ўзгаришининг олдини олиш ва Афғонистондаги

вазият энг муҳим мавзулардан бўлиб турибди. Яқинда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам олий анжуманда нутқ сўзлаб, гло-

бал аҳамиятга молик долзарб тақлиф ва ташаббусларни илгари сурди.



4

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЮКСАЛИШ СТРАТЕГИЯСИ



“Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чоратадбирларнинг самарадорлигини ошириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялаш — бизнинг олий мақсадимиздир”.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Президентликка номзод Шавкат Мирзиёевнинг партия X съездидаги “Янги Ўзбекистон — инсон кадри устувор бўлган жамият ва халқларвар давлатдир” деб номланган дастурий маърузасидан олинган ушбу чўнг ундовда мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий тараққиёт стратегиясининг мазмун-моҳияти ва мақсад-муддаолари яққол акс этган.

Хусусан, мазкур маърузада номзоднинг беш йил олдинги Сайловолди дастурида эълон қилинган эзгу мақсадларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш йўлида қандай ишлар амалга оширилгани ва улар қандай улкан натижаларга олиб келгани, пировард истиқболдаги тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишлари аниқ-тиниқ кўрсатиб берилди.

Кейинги йилларда мамлакатимиз Президенти раҳнамолигида барқарор ривожланишни таъминлаш, халқимиз маънавиятини янги босқичга кўтариш, маънавий баркамол авлодни вояга етказиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли вазифаларни назарда tutувчи кўплаб дастурлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда эса Янги Ўзбекистон стратегиясини юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар, ижтимоий тоифа вакиллари ўртасида кенг тарғиб этиш, унинг **бунёдкорлик руҳини ялпи ижтимоий ҳаракатга айлантириш**, эртанги кунга ишонч туйғуларини кучайтириш маънавият соҳасидаги ишларимизнинг бош мезонига айланмоқда.

Ушбу тарихий ва объектив ижтимоий-сиёсий жараён Ўзбекистоннинг маънавий-маърифий йўналишдаги бугунги тараққиёти ҳамда истиқболлини белгилайдиган стратегик тамойиллар, амалий фаолият дастурларини яратиш, уларни амалга ошириш учун ниҳоятда муҳим ва зарурий асослар яратмоқда.

Амалий ва самарали ишлар тадрижи

Айниқса, жорий йилда бу борадаги ўзгаришлар ва янгиланишлар натижаларига катта таъсир кўрсатаётган, мазкур йўналишдаги ишларнинг мазмун-мундарижасини тубдан яхшилаётган, ушбу соҳанинг мақсади ва моҳиятини белгилайдиган тизимли тадбирлар, амалий ва самарали ишлар бўй кўрсатаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

БИРИНЧИДАН, Ўзбекистон Республикаси Президенти Республика Маънавият ва маърифат кенгаши раиси эканлиги белгилаб қўйилди ва бу айни тизимда энг асосий масъулиятни ўз зиммасига олишнинг яққол натижаси бўлди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг ишчи органи сифатида қайта ташкил этилди, унинг фаолият мезонлари ва бу борадаги устувор вазифалари аниқ-тиниқ белгиланди.

Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, аҳолининг интеллектуал салоҳияти ҳамда дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар дастури тасдиқланди ва бу бўйича самарали фаолият юритилмоқда.

Ҳаракатдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини аҳолининг

кенг қатламларига етказишга қаратилган маърифий тарғибот ишлари изчил давом этмоқда.

ИККИНЧИДАН, мамлакатимиз миқёсида маънавий-маърифий ишларнинг кўлами ва миқёсини кенгайтириш, унинг янги ва замонавий тизимини шакллантириш, ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган соҳа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашининг барқарор механизмни йўлга қўйиш, муассаса ва ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш ва самарадорлиқни оширишга қаратилган устувор миқёслар белгилаб олинди.

“Тафаккур” ва **“Маънавий ҳаёт”** журналлари ҳамда **“Маънавият”** нашриёти Республика Маънавият ва маърифат маркази тасарруфига ўтказилди.

Эътибор беринг: жами 121 миллиард сўм, хусусан, Республика Маънавият ва маърифат марказига 10 миллиард сўм, унинг жойлардаги бўлимларига 90 миллиард сўм, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига 20 миллиард сўм, “Маънавият” нашриётига 1 миллиард сўм миқдориди маблағ ажратилди.

УЧИНЧИДАН, жамиятимизнинг барқарор ривожланишига тўқсинлик қилаётган ички таҳдидлар — эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруг-аймоқчилик, оилавий қадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик каби ҳолатларга барҳам беришга қаратилган комплекс тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва у ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Бу борада кенг жамоатчилик, олимлар, мутахассислар, ижодкор зиёлилардан иборат **“Маърифат” тарғиботчилар жамияти** шакллантирилиб, унинг фаолияти тизимли ва доимий асосда йўлга қўйилди.

ТўRTINЧИДАН, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузурида Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти ташкил этилди.

Институт қошида **“Маънавият тарихи ва назарияси”**, **“Маънавий тарбия”**, **“Маънавий жараёнлар ва технологиялар”** каби йўналишларда докторлик диссертацияси ҳимояси учун ихтисослаштирилган кенгаш иш бошлади.

Маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигининг илмий асосланган мониторингини таъминлашга қаратилган социологик тадқиқотлар ўтказиш, қўлга киритилган натижалар асосида амалиёт учун таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш жараёнини тизимли барпо этиш чоралари кўрилди.

БЕШИНЧИДАН, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб олий ўқув юртлари таълим йўналишлари ўқув режаларига бакалаврият босқичида **Маънавиятшунослик**, магистратура босқичида **Касбий маънавият** фанлари киритилди, **“PR-мене-**

жер” мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланишини йўлга қўйиш белгилаб берилди.

Маънавият тарихи ва назарияси, Маънавий тарбия, Маънавий жараёнлар ва технологиялар каби фанлар илм-фан ихтисосликлари классификаторига киритилди.

ОЛТИНЧИДАН, маънавий-маърифий ва ижтимоий-сиёсий мавзуларда долзарб мақолалар, жамоатчилик вакилларининг илгор фикрлари, шунингдек, мафкуравий жараёнлар таҳлили, соҳага оид янгилекларни тўплаш, тайёрлаш ва тарқатиш мақсадида **“oyna.uz”** электрон портали фаолият бошлади.

“Madaniyat va ma’rifat” телеканали, Халқаро пресс-клуб ва бошқа оммавий ахборот воситалари билан бир-галикда аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарабини юксалтиришга, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга, баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган мақолалар, ток-шоулар, ижтимоий роликлар, кўрсатувлар, публицистик чиқишлар ва эшиттиришлар тайёрланмоқда.

ЕТТИНЧИДАН, таълим муассасаларида маданий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича мутахассис, ҳар бир умумтаълим муассасасида ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозими жорий этилди ва ойлик маоши Давлат бюджетли маблағлари ҳисобидан олий маълумотли ўқитувчи учун ўрнатилган базавий тариф ставкаси миқдориди белгиланди.

Давлат олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларида, талабалар сонидан қатъи назар, ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор (ректор ўринбосари) лавозими жорий этилди.

САККИЗИНЧИДАН, ҳудудларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш, аҳоли, чунончи, ёшлар онги ва қалбиди маънавий фазилатларни юксалтириш, оила ва маҳаллаларда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш мақсадида барча туман ва шаҳарларда **Маънавият ва маърифат масканлари** ташкил этилмоқда.

Барча ҳудудлар, давлат органлари ва фуқаролик институтлари раҳбарларининг ўз ҳудуди ва ташкилотиди Маънавият ва маърифат кенгаши раиси сифатидаги мақоми тасдиқланди, уларнинг чора-тадбирлар дастурлари ва “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинмоқда.

ТўҚҚИЗИНЧИДАН, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар йўналишида илмий тадқиқот ишларига давлат буюртмаси доирасида мақсадли фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни шакллантириш ва белгиланган тартибда молиялаштириш тартиби жорий қилинди.

Маънавий-маърифий ишларни юқори савияда амалга ошириш, юксак ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришдаги самарали меҳнати ва ибратли фаолияти учун давлат органлари ва ташки-

лотлар ходимларига топшириладиган **“Маънавият фидойиси” кўкрак нишони** таъсис этилди.

Буларнинг барчаси жамиятимиз маънавий тараққиётида муҳим аҳамиятга эга долзарб масалалар ва ўз ечимини кутиб турган муаммоларни қамраб олган серқирра фаолият олиб борилаётганидан далолат беради.

Бу эса, ўз навбатида, бўлажак сайловларда нафақат маънавият, балки ҳаёти-мизнинг барча жабҳасида улкан натижаларга сабаб бўлган туб ўзгаришлар ва ислохотларни амалга оширган, янгиланишларнинг мустаҳкам пойдевори — тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиб, ҳаётга самарали жорий этаётган O‘zLiDeP номзодининг халқимиз томонидан муқаррар равишда қўллаб-қувватланишини, шак-шубҳасиз, натижага айлантиради.

Маънавий - маърифий тараққиёт истиқболлари

O‘zLiDeP X съездидидаги маъруза ва унга асос бўлган **“Янги Ўзбекистон стратегияси”** китобида бу борадаги саволларга жавоблар муфассал баён қилинган.

Бугунги кунга келиб, маънавий соҳадаги воқелик ва жараёнларни ҳуқуқий тартибга солиш ишларини янги босқичга кўтариш ва бунда замон талабларини, янги Ўзбекистоннинг мустаҳкам пойдеворини қўйиш эҳтиёжларини ҳисобга олиш зарурати етилган.

Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг кейинги ўн йилликларга мўлжалланган миллий тараққиёт стратегиясида маънавий-маърифий ислохотларга алоҳида бўлим ажратилгани беҳиз эмас. Унда ушбу соҳадаги серқирра фаолиятнинг мазмун-моҳияти, мақсад-муддаолари, устувор йўналишлари ва долзарб вазифалари очик-ойдин ифодасини топган.

Бу жиҳатдан “Ўзбекистон Республикасининг маънавият соҳасидаги давлат сиёсати тўғрисида” қонунни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш зарурлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Ўз навбатида, бу янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнининг маънавий соҳадаги ўзгаришлари ва инновациялари динамикасини тўлиқ тасаввур этиш имконини беради.

Айни пайтда ушбу қонун давлат сиёсатининг бу жабҳадаги фаолияти, Янги Ўзбекистон стратегиясининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлайди.

Янги Ўзбекистон стратегиясини юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар, ижтимоий тоифа вакиллари ўртасида кенг тарғиб этиш, унинг бунёдкорлик руҳини ялпи ижтимоий ҳаракатга айлантириш, эртанги кунга ишонч туйғуларини кучайтириш маънавият соҳасидаги ишларимизнинг бош мезонига айланмоқда.

Шунингдек, стратегиянинг ҳар бир йўналиши ва турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг кадр-қимматини ҳамда амалий натижаларини изчил ўрганиш, бу билан боғлиқ ҳуқуқий масалаларни замон талаблари нуктаи назаридан таққин ва таҳлил қилиш вазифаларини самарали ҳал этиш имконини янада оширади.

Ўз навбатида, бу тизимда кейинги йилларда амалга ошириш зарур бўлган фаолият кўлами ва салмоғи, аҳамияти ва йўналишлари, натижадорликка эришиш зарурати **“Ўзбекистоннинг 2022 — 2032 йил-**



ларга мўлжалланган маънавий-маърифий тараққиёт стратегияси”-ни ишлаб чиқишни ҳамда у давлат сиёсатининг таркибий қисмига айланишини тақозо этмоқда.

Шунингдек, яқин келажақда бутун мамлакатимиз фуқароларининг маънавий-маърифий соҳалардаги ҳаёти, фаолияти ва турмуш тарзини ифодалайдиган яхлит ҳужжатлар маҳмуи — **Ўзбекистон жамиятининг маънавият кодексини** ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш чоратадбирларини кўриш лозимлигидан далолат беради.

Бу жиҳатдан барча ҳудуд ва ташкилотларда кенг жамоатчилик, хусусан, **“Аҳоли орасида маънавий-маърифий ишлар тизимини янада оптималлаштириш бўйича ҳаракатлар дастури”**ни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Айни сабб-ҳаракатлар жамиятимиз маънавий ҳаётининг динамик ўзгаришлари механизмларини тақомиллаштириш ва ушбу жараённинг самарадорлигини янада оширишга ёрдам беради.

Шу муносабат билан аҳолининг таълим тизими билан қамраб олинмаган қисмида **“Янги Ўзбекистон стратегияси”** номли кенг қамровли ўқув-услубий ва инновацион таълим-тарбия модули лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни тизимли амалга ошириш биринчи даражали вази-фага айланди.

Модул бўйича маъруза ва амалий машғулотлар, ўқувлар ва тарбиявий соатлар Янги Ўзбекистон стратегиясини бутун халқимизнинг ўзига хос фалсафасига айлантириши, ижтимоий тафаккури ва тарихий хитрасидан мустаҳкам ўрин эгаллашига зиммат қилиши лозим. Ушбу йўналишда **“Жамиятимиз маънавий-маърифий ҳаёти янгиланишлари динамикасини таъминлашнинг долзарб вазифалари”** мавзуида доимий республика илмий-амалий семинари фаолиятини йўлга қўйиш ва унинг машғулотлари мунтазам ўтказилиши кутилган натижаларни бериши мумкин.

Айни пайтда маънавият ва маърифий ислохотлар тарғиботи билан шугулланувчи ташкилотлар, улар билан бу борада ҳамкорлик қилувчи нашриётлар, газета ва журналлар тахририятлари, ижодий жамоалар ҳамкорлигида **“Ўзбекистоннинг маънавий-маърифий ҳаёти”** рукнида китоб-альбом, рисоалар, мақолалар, турли медиамаҳсулотлар ва бошқа тарғибот материаллари туркумларини тайёрлаш, чоп этиш, уларнинг жойлардаги ташвиқотини самарали ташкил қилишга эришиш лозим.

Оммавий ахборот воситалари орқали, шунингдек, бугунги коммуникацион технологияларнинг имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда, **“Жамиятнинг маънавий-маърифий ҳаёти”** мавзуси бўйича **веб-сайтлар** очиб, улар орқали турли тилларда маълумотларни мунтазам бериб бориш, бу соҳада ба-жарилаётган демократик ўзгаришларни атрофича ўрганишга ҳамда ҳолисона қарашларнинг шаклланишига имкон яратди.

Амалга оширилаётган ислохотлар ва янгиланишларнинг натижадорлигига эришиш имкониятлари мавжудлиги, шубҳасиздир. Ушбу мураккаб ва серқирра жараёнда маънавий-маърифий ҳаётнинг барча жиҳати ҳамда одамларнинг бу билан боғлиқ тафаккур тарзи бир кунда ва автоматик тарзда ўзгариб, янгиланиб қолмайди, албатта.

Бугунги даврнинг ижтимоий-сиёсий эҳтиёжларига мос келадиган янги маънавий тизим ва тафаккур тарзи тўла-тўқис оёққа туриб олиши учун эса O‘zLiDeP номзоди Шавкат Мирзиёевнинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни бажаришимиз, бу борада ҳам масъулиятни англаш ва тўғри йўлни танлаш фурсати келди.

Рўзимурод ЧОРИЕВ,
педагогика фанлари доктори.



ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН НОМЗОД ШАВКАТ МИРЗИЁЕВГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИНИ ЯНАДА РАВБАТЛАНТИРИШ ВА ЕР ҚАЪРИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРГА СОЛИҚ СОЛИШ ТАРТИБНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА



4. Геология-қидирув ишларини амалга оширувчи юридик шахслар, шунингдек, улар томонидан жалб этиладиган пудрат ва ёрдамчи пудрат ташкилотлари қуйидагилардан **озод этилсин**:
конларни қидириш, аниқлаш ва ишлатиш даврида геологик қидирувни амалга ошириш учун зарур бўлган махсус техникаларни **вақтинча олиб киришда даврий боғжона тўловларидан**,
конларни қидириш, аниқлаш ва ишлатиш бўйича ишларни бажариш учун зарур бўлган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган **асбоб-ускуналар, моддий-техника ресурслари ва махсус техникаларни импорт қилишда боғжона божидан**.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида углеводород конларини аниқлаш ва қидиришни амалга оширувчи маҳаллий корхоналарга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 28 апрелдаги “Нефть ва газ конларини разведка қилиш ҳамда уларни қазиб чиқаришга бевосита хорижий сармояларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–2598-сон Фармонининг 4-банди учинчи хатбошисида назарда тутилган **имтиёзлар татбиқ қилинсин**.

Белгилансинки, геология-қидирув ишларини амалга оширувчи юридик шахсларга қўшилган қиймат солиғи суммасини қоллаб бериш Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексидида белгиланган

тартибда, бироқ ариза берилган кундан бошлаб **30 кундан кечиктирмай амалга оширилади**.

5. Белгилансинки, **2021 йил 1 октябрдан** бошлаб: **табiiий газни экспортга** реализация қилишда **акциз солиғи** ставкаси **ноль фоиз** миқдоридида белгиланади;
юридик шахслар табiiий газни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига **импорт қилишда боғжона божидан озод қилинади**.
6. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси уч ой муддатда танлов савдолари ташкилотчиси ёки танлов савдолари иштирокчиларига айрим солиқ турлари бўйича оширилган солиқ ставкаларини тақлиф қилиш ҳуқуқини берган ҳолда, танлов савдоларини ўтказиш ва танлов савдоларига қўйилаётган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқининг бошлангич қийматини аниқлашни инобатга олиб, ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига рухсат бериш тартибини ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

7. Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2021 йил 1 декабрга қадар** Вазирлар Маҳкамасига 2022 йил 1 январдан қуйидагиларни назарда тутувчи “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини киритсин:

ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини нефть ва табiiий газ бўйича 10 фоизгача, олтин

ва мис учун 7 фоизгача, вольфрам учун 2,7 фоизгача ва уран учун 8 фоизгача камайитириш. Бунда углеводородлар, қимматбаҳо, рангли, нодир ва радиоактив металлارни, шунингдек, маҳсулот тақсимотиға оид битимлар (агар 2021 йил 1 сентябрга қадар кучга кирган битим ва шартномаларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса) доирасида қазиб олишни амалга оширувчи давлат улушига эга корхоналар учун, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг оширилган ставкалари белгиланиши мумкин;

ер қаъридан фойдаланувчиларнинг капитал харажатларини ҳисобга олган ҳолда янги конларда нефть, табiiий газ, газ конденсати, қимматбаҳо, рангли, нодир ва радиоактив металлари қазиб олиш (ажратиб олиш)ни амалга оширувчи ер қаъридан фойдаланувчилар учун **рента даромади солиғини жорий этиш**;

янги нефть ва газ қудуқларини, саноат усулида фойдаланишга топширилган ойдан бошлаб, дастлабки **икки йил давомида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўлашдан озод қилиш, кейинги уч йилда** ушбу солиқ учун белгиланган **солиқ ставкасининг 50 фоизига камайтирилган** ставкани қўллаш;

илгор хорижий тақрибани ҳисобга олган ва экспертларни жалб қилган ҳолда, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш тартибини янада такомиллаштириш. Бунда, 2021 йил 1 январдан 31 декабргача бўлган даврда табiiий газ, нефть ва айрим турдаги бошқа фойдали қазилмаларни қазиб олишда ер

қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблашда солиқ базаси уларни ташishi ҳамда қайта ишлаш билан боғлиқ **харажатлар суммасига камайитирилиши белгилансин**;
норуда фойдали қазилмалар учун ер қаъридан фойдаланганлик учун **солиқ ставкаларини унификация қилиш**;
рента даромади солиғини тўловчи **чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга солиқ ҳисобини АҚШ долларида юритиш ҳуқуқини бериш**.

8. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси янги тахрирдаги “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонун лойиҳасида мазкур Фармондан келиб чиқадиган тартибларни назарда тутсин.

9. Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 6 октябрь

Мулоқот

БИРИНЧИ ҚЎШМА МАЖЛИС БЎЛИБ ЎТДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда Украина Олий Радаси парламентлараро ҳамкорлик гуруҳларининг видеоконференцалоқа шаклидаги биринчи қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Равшанбек Алимов ҳамда Украина Олий Радаси Аграр ва ер сибёсати масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Степан Чернявский раҳбарлигида ўтган тадбирда икки мамлакат ҳамкорлик гуруҳлари аъзолари иштирок этди.

Дўстона ва конструктив руҳда ўтган учрашувда икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати ва уларни ривожлантириш истикболлари, шу жумладан, парламентлараро алоқаларни фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, биргаликда илмий-маърифий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тақлифлар кўриб чиқилди. Саноат кооперациясини ривожлантириш, машинасозлик, фармацевтика ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш, шунингдек, транспорт-логистика инфратузилмасидан самарали фой-

даланишдан икки мамлакат манфаатдор экани таъкидланди.

Томонлар икки мамлакат қонунчилик органлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, қонун ижодкорлиги ва парламент назоратининг турли жиҳатлари юзасидан тажриба алмашиш мўҳимлигини қайд этди. Парламентлараро, шу жумладан, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни кучайтириш механизмлари хусусида фикр алмашилди.

Муносабатларни парламентлараро дўстлик гуруҳлари форматида давом эттириш мўҳимлиги ҳам айтиб ўтилди. Парламент делегацияларининг ўзаро ташрифларини ташкил этиш ҳамда кун тартибини янги амалий мазмун билан тўлдириш юзасидан келишувга эришилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги Фақуллода ва мухтор элчиси Алишер Курманов ҳамда Украинанинг Ўзбекистон Республикасидаги Фақуллода ва мухтор элчиси Николай Дорошенко иштирок этди.

**Олий Мажлис Сенати
Ахборот хизмати.**

БАНДЛИК МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ



Ишчи гуруҳ аъзолари, шунингдек, Урганч туманидаги “Улли ҳовли” мажмуасидаги Туркманлар маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаролар ва “аёллар дафтари”га кирган хотин-қизлар билан учрашди.

Эътироф этилганидек, бу тарихий мажмуа Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017–2018 йилларда қайта таъмирланиб, юртдошларимиз ва хорижий сайёҳларнинг энг сеvimли масканларидан бирига айлантирилган эди. Мажмуада маҳалла хотин-қизлари халқ ҳунармандчилигининг 7 та тури бўйича “Устоз — шогирд” аънавалари асосида фаолият олиб боради. Энг муҳими, ўзбек ва туркман миллати вакиллари ҳамжиҳатлиқда, тутувчида яшаб, меҳнат қилмоқда.

Учрашувда кунни кеча Ўзбекистон ва Туркменистон давлат раҳбарларининг

Тошкентдаги олий даражадаги мулоқотлар чотида имзоланган қатор ҳужжатлар ҳар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга олиб чиқиши таъкидланди.

Шунингдек, ташриф давомида Янгибозор туманидаги Очақалъа маҳалласи гузари фаолияти билан танишилди ҳамда Аёллар маслаҳат кенгаши аъзолари ва фаол хотин-қизлар билан учрашув ўтказилди.

Сенат Раиси туман Маънавият ва очириш фарқлари янги кутубонасининг таъмири маросимида ҳам қатнашди.

Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигидаги ишчи гуруҳнинг вилоятга ташрифи давом этмоқда.

**Одилбек ОДАМБОЕВ
«Халқ сўзи».**

СЕНАТОРЛАР АҲОЛИ ЎРТАСИДА ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ ОЛИБ БОРМОҚДА

Шу кунларда сенаторлар Олий Мажлис Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ва қўриб чиқилган бошқа масалалар юзасидан аҳоли ўртасида тарғибот ишларини амалга ошириш, парламент қорони палатасининг тегишли қарорларида белгиланган топшириқлар ижросини ўрганиш ҳамда фуқаролар муносабатлари билан жойида ишлаш мақсадида ҳудудларда турли тадбирлар ўтказмоқда.

Ўрганиш ва таҳлил

Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси М. Салимова бошчилигидаги ишчи гуруҳ Марғилон шаҳридаги туғуруқ комплексида ҳомилалар, репродуктив ёшдаги аёллар ҳамда гўдакларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам ҳолати ва соҳадаги мавжуд муаммоларни ўрганди.

Шунингдек, халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши қотибатида ўтказилган йиғилишда Сенатга келиб тўшаётган муносабатларни ўрганиш, масъуллар билан биргаликда ижобий ҳал этиш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Айни чоғда Фарғона, Марғилон ва Қўқон шаҳарлари ҳамда Олтириқ туманида фуқаролар муносабатлари тобора ортиб бораётгани сабабли мазкур ҳудудларда маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан сайёр қабуллари мунтазам ўтказиб бориш кераклигига эътибор қаратилди.

Йиғилишда Сенатнинг ўн тўққизинчи ялпи мажлисидаги қўрилган масалалар хусусида ҳам сўз юритилди.

Маълум бўлишича, ушбу маҳаллада 3 минг

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

ОРТИҚЧА ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРДАН ВОЗ КЕЧИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Бош прокуратура томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг янги тахрирдаги лойиҳаси киритилди.

Кодекс лойиҳаси 6 бўлим, 33 боб, 573 моддадан иборат. Кодекснинг номланиши унинг тартибга солиш предметидан келиб чиқиб, Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекс деб ўзгатирилмоқда.

Маънан эскирган, амалда ўз аҳамиятини йўқотган ёки фуқаролик ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган 33 та маъмурий ҳуқуқбузарлик кодексдан чиқарилмақда. Ўз наба-тида, 12 та янги турдаги ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланяпти.

Кодекс лойиҳасида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ айрим ҳуқуқбузарликлар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тизимидан чиқарилиб, тадбиркорлик ҳуқуқий таъсир чораларини самарали қўллаш мақсадида ишларни кўриб чиқишни “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонун доирасида амалга ошириш қонунчилик ташаббуси субъекти томонидан тақлиф этиляпти.

Шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритишнинг процессуал тартиби такомиллаш-

тирилмоқда. Яъни процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини мақбуллаштириш, ҳуқуқбузарликни соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиш, йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун расман огоҳлантириш ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузишга ваколатли бўлган органлар ва мансабдор шахслар тоифасини мақбуллаштириш кўзда тутилмоқда.

Маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш юритиш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш кодекс лойиҳасида ўз аксини топмоқда.

Мазкур кодекс лойиҳасининг қабул қилиниши билан фуқаролар, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш кафолатлари кучайтирилди. Иш юритиш тизимидagi ортиқча тартиб-таомиллар бекор қилинади, маъмурий ҳуқуқбузарлик юзасидан ҳазога тортиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят бериш тартиб-таомиллари такомиллаштирилади.

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИГА ҚЎШИМЧА КИРИТИШГА НЕГА ЭҲТИЁЖ ТУГИЛДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси томонидан фуқаролар ва юридик шахслардан келиб тушган муносабатлар асосида процессуал қонунчилик ҳужжатлари хатловдан ўтказилди.

Унинг натижаларига кўра, фуқаролик суд ишлари бўйича амалиётда агар кассация шикоят (протести) иш юритишга қабул қилингандан сўнг унинг имзоланмагани ёхуд уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан имзолангани аниқланса, суднинг кассация шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш ҳуқуқи белгиланмагани, шунингдек, кассация шикоят (протести) иш юритишга қабул қилингандан сўнг, унда аниқланмаган ҳолатлар бўйича иш юритишни тутатиш асослари назарда тутилмагани аниқланди.

Ўқоригандаи ихкала ҳолат бўйича назарда тутилган тартиблар Иқтисодий процессуал кодексда ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда белгиланганлиги сабабли Фуқаролик процессуал кодексидagi ва амалиётдаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш мақсадида унга тегишли қўшимчалар киритиш зарур, деб топилди.

Шундан келиб чиқиб, Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари ташаббуси билан “Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан Фуқаролик процессуал кодексини такомиллаштириш ва суд амалиётидаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида унга кассация шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш ва кассация ши-

коят (протести) бўйича иш юритишни тутатишни назарда тутувчи 407⁸ ва 407⁹ моддалар билан тўлдириш назарда тутилмоқда.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида фуқаролик ишлари бўйича суд амалиётидаги мавжуд камчиликлар ва қонунчиликдаги бўшлиқлар бартараф қилинади. Ўз наба-тида, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга эришилади.

Айни вақтда Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан қонун лойиҳасини биринчи ўқишга тайёрлаш жараёни давом этмоқда.

Мунисхон КАРИМОВА.

ритиш тўғрисида”ги ва бошқа бир қатор қонунлар мазмун-моҳияти ва уларнинг ишловлар жараёнидаги аҳамияти очиб берилди.

Сенатнинг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси раиси К. Бурхонов ҳамда Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси М. Қодирхонова бошчилигидаги ишчи гуруҳ Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида бўлди.

Дастлаб сенаторлар ҳудуддаги “Zero MAX”, “Истиқлол”, “Давлатбек Дилшод” каби фермер хўжалиқларида бўлиб, теримчилар билан дилдан суҳбатлашди. Айни чоғда теримчиларга яратилган шароит, аҳолини теримга мажбурий жалб этиш ҳолатлари, ишчиларнинг маданий хориқ чиқариши, уларга тиббий хизмат кўрсатиш ва санитария-гигиена қоидаларига ҳамда этиштирилган ҳосилни тез ва сифатли йиғиштириб олиш учун ҳукуматимиз томонидан белгиланган нарҳларга қандай амал қилинаётгани батафсил ўрганиб чиқилди.

Учрашувларда таъкидланганидек, тумандаги фермер хўжалиқлари билан “Қўнка текстиль” кластери ўртасида шартнома имзоланган. Ана шу шартнома асосида теримчилар учун барча шароит яратиб берилган.

Шунингдек, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида аҳоли ҳонадонларини ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси билан таъминлаш ҳамда маҳалла ва гузарларни ободонлаштириш борасидаги ишлар ҳам кўздан кечирилди. Мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли ташкилот ҳамда идоралар масъулларига тавсиялар берилди.

Мулоқот чоғида Сенатнинг ўн тўққизинчи ялпи мажлисида қўрилган масалалар таҳлил қилиб берилди.

«Халқ сўзи».

МДҲ ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АССАМБЛЕЯСИНING УЗОҚ МУДДАТЛИ КУЗАТУВЧИЛАРИ ЮРТИМИЗДА



Марказий сайлов комиссияси Раиси Зайниддин Низомхўжаев меҳмонларни сайлов кампанияси тадбирлари билан таништириб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда Сайлов кодексига мувофиқ очик ва ошкора ўтказилаётганини таъкидлади. Шу билан бирга, айни дамда Президентликка номзодларнинг сайловолдида ташвиқоти жараёни бўлиб ўтаётгани, муддатидан олдин овоз бериш тартиби, чет давлатда бўлиб турган Ўзбекистон фуқароларининг сайловда қатнашиши учун яратилган имкониятлар қайд этилди.

Таъкидланганидек, МДҲ ПА кузатувчилари гуруҳига Тожикистон Республикаси Мажлиси намоён-дагон Мажлиси Оли раисининг биринчи ўринбосари Маҳмадали Ватанзода бошчилик қилади. МДҲ ПА кузатувчилари ўз фаолияти давомида Тошкент шаҳри ва вилоятларда Ўзбекистон Республи-

каси Президенти сайловини кузатади ва мониторинг олиб боради.

Узоқ муддатли мониторинг давомида ДПРХI экспертлари сайлов кампаниясининг асосий босқичларини кузатади ва таҳлил қилади, шунингдек, сайлов жараёнининг иштирокчилари — турли даражадаги сайлов комиссиялари раҳбарлари ва сийёсий партиялар штаблари вакиллари билан учрашувлар ўтказади.

Узоқ муддатли кузатув натижаси сифатида яқини ҳисобот эълон қилинади.

Учрашув якунида кузатувчиларга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир тадбирларда, шунингдек, сайлов кунни овоз бериш ҳоналарида ҳамда овозларни санаб чиқишда қатнашиш ҳуқуқини берадиган тегишли намунадаги гувоҳномалар топширилди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ
«Халқ сўзи».**

ЎЗБЕКИСТОН ВА БМТ БИРГАЛИКДАГИ САМАРАЛИ ҲАРАКАТЛАРНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

Инсоният ўз тараққиёт йўлининг туб бурилиш даврини бошидан кечираётган, халқаро муносабатларнинг табиати кескин ўзгараётган, тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга таҳдидлар тобора кучайиб бораётган, иқлим жадал ўзгараётган, оммавий миграция оқимлари кўпаяётган бир пайтда илғор ташаббусларнинг ўрни нисбатда муҳим. Бугун глобал офатга айланган COVID-19 пандемияси ва унинг нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки маънавий-сиёсий оқибатлари халқаро кун тартибига чиққан. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мана шундай бир пайтда “Хеч кимни эътиборсиз қолдирмаслик, ҳамма учун ва барча жойда”, деган таъминотли асосида вакциналардан тенг ва адолатли фойдаланиш имкониятини яратиб бериш доирасида ишлари сурияпти. Ўзбекистон бу ташаббусни тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Қолаверса, Ўзбекистон Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги кодекс ишлаб чиқиш борасидаги ташаббусни илгари суриш ва Бош Ассамблеянинг расмий ҳужжати сифатида тарқатилиши билан бу борадаги ишларга амалий хиссасини қўшиди.

Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида Ўзбекистонда давом эттирилаётган демократик ислохотларга ҳам тўхталди.

Дарҳақиқат, юртимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг қўлланма ва жадал демократик ислохотлар бугунги кунда ортиб қайтмас тус олди. Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш демократик ислохотлар асосини ташкил этмоқда. Сўз ва оммавий ахборот воситалари, дин ва виждон эркинлигини, гендер тенгликни, миллатлараро тотувлики таъминлаш борасида қатъий қадамлар ташланмоқда. Бунинг исботи ўлароқ, Ўзбекистон ўз тарихида биринчи марта БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайланди. Бошлаган ислохотлар йўлини изчил давом эттириш мақсадида Янги Ўзбекистон стратегияси ишлаб чиқилди. Ушбу стратегиянинг бош гоёси фуқаролик жамияти институтлари ролини кучайтириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, камбағалликни қамайтириш, ҳар бир кишини қаноатли даромад манбаи билан таъминлаш ҳамда барқарор экологик ривожланишга эришишдан иборатдир. Асосий мақсад — 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар миқдори бўйича “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига киришди. Бу режа БМТнинг 2030 йилгача бўлган Барқарор ривожланиш мақсадлари руҳига уйғун эканини таъкидлаш лозим.



Президентимиз шу маънода, пандемиядан кейинги даврда жаҳон иқтисодиётини қайта тиклаш муаммоларини ўрганиш, камбағалликни қисқартириш бўйича илғор тажрибаларни ҳаётга татбиқ этишга бағишланган Халқаро конференцияни Тошкентда ўтказишни таклиф қилди. Бундан ташқари, глобал ҳаракатларда ёшлар иштирокини кўпайтириш бўйича қатъий сазой-ҳаракатларни изчил давом эттириш мақсадида Ўзбекистонда — қадимий Самарқанд шаҳрида мунтазам ўтказилаётган Инсон ҳуқуқлари мулоқотлари доирасида Глобал таълим форуми уюштирилиши маълум қилинди. Аввал бу борадаги Бутунжаҳон конференцияси мамлакатимизда муваффақиятли ўтказилганди. Тан олиш керак, Ўзбекистон Марказий

Осиё минтақасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳурмат, яқин қўшнчилик ва стратегик шериклик руҳидаги мутлақо янги сиёсий муҳитни мустаҳкамлаб бормоқда. Бунинг учун Ўзбекистон қўшни ва ёндош минтақалар билан ўзаро алоқаларни кучайтиришга устувор аҳамият қаратмоқда. Бу йўналишда Президентимиз томонидан Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи илгари сурилди. Бу ўринда Ўзбекистон Афғонистонни Марказий Осиёнинг узвий қисми эканини назардан қочирмаётти. Бу давлатда тинчлик ва осойишталик ўрнатилишидан нафақат Ўзбекистон ёки қўшни мамлакатлар, балки бутун дунё манфаатдордир. Шу нуктаи назардан, Президентимиз ҳозирги қийин даврда Афғонистонни яққалаб, уни муаммолар гирдобига ташлаб қўйиш мумкин эмаслигини таъкидлади. Шу йил ноябрь ойида Тошкентда БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегияси Марказий Осиё учун режасининг ўн йиллик натижалари ва истиқболларига бағишланган халқаро конференция ўтказилиши ҳам ушбу эзгу мақсадларга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Садриддин ХУДОЙКУЛОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор.

«АМИР ТЕМУР — ДУНЁ ОЛИМЛАРИ ВА АДИБЛАРИ НИГОҲИДА»

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 685 йиллиги муносабати билан 2021 йилнинг 28 — 30 сентябрь кунлари Тошкент, Шаҳрисабз ва Самарқанд шаҳарларида ташкил этилган “Амир Темур — дунё олимлари ва адиблари нигоҳида” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани дунёнинг етакчи тарихчи олимлари ва маърифатпарвар жамоатчилиги вакиллари юртимизга қорлади.

■ Таассурот

Анжуманда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Франция, Германия, Швеция, Россия, Туркия, Миср, Умун Султонлиги, Эрон, Покистон, Озарбайжон каби дунёнинг 14 та мамлакатидан Марказий Осиё, хусусан, Амир Темур ва теуриятлар даври илм-фани, маданияти, тарихи бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириб келаётган 18 нафар меҳмон ва 60 дан зиёд маҳаллий олимлар иштирок этди.

— Бутун дунёда Ўзбекистон тарихи, дунё илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшган буюк алома ва мутафаккирларнинг маънавий мероси катта қизиқиш билан ўрганилмоқда, — дейди Техрон университети қошидаги илмий-тадқиқот институти профессори Амир Теймур Акбар Рафеи. — Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Мухаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Имом Бухорий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳриддин Мухаммад Бобур каби кўплаб даҳоларнинг илмий, маънавий мероси ҳақида кенгрок тасаввур уйғотиш, айрим янгилиш тушушча ва тасаввурларга ойдинлик киритиш, реал тарихий воқеликни билдиришга эҳтиёж мавжуд. Бундай анжуманлар айнан шундай вазифани адо этиши билан муҳимдир. Шунингдек, “Амир Темур — дунё олимлари ва адиблари нигоҳида” деб номланган ушбу тадбир ҳам буюк саркарданинг шонли ҳаётини тадқиқ этиш, ибратли ишларини бутун дунёга ёйишдек сазой-ҳаракатларнинг яққол намунаси ҳисобланади.

Мазкур эҳтиёжни инобатга олган ҳолда конференция иштирокчилари томонидан 2021 йилдан бошлаб анъанавий тарзда ҳар икки йилда Марказий Осиёда иккинчи Ренессанс даврининг жаҳон илм-фани ва маданиятига таъсири масалаларига бағишланган илмий-амалий конференциялар, халқаро анжуманлар ташкил этиб бориш, теуриятлар тарихига оид тадқиқотларни хорижий тилларда чоп қилиш, уларнинг тўлиқ библиографиясини яратиш, мавжуд манбаларнинг электрон ва фото нусхаларини жамлаш, илмий изланишларга ёш олимларни кўпроқ жалб қилиш, бу борада махсус грантлар, лойиҳалар яратиш бўйича таклифлар билдирилди.

Анжуман якунида иштирокчиларга ўзбек, рус, инглиз, форс, француз тилларидаги “Темур тузуқлари”, “Амир Темур Фарбий Европа адиблари нигоҳида” китоблари, Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёти ва тарихий шаҳарларимиз тўғрисида ҳикоя қилувчи буклет ва рисо-лалар тақдим қилинди.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Имконият

МАҲСУЛОТНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

Қулай сармоявий муҳит, ишбилармонларга яратилаётган имтиёзлар Бухоро шаҳридаги “Delux Fabric” масъуляти чекланган жамиятига 2 миллион АҚШ доллари миқдоридagi бизнес лойиҳани амалга ошириш имконини берди.

Хусусан, корхона Бельгиянинг “Pisano” компанияси дастгоҳлари билан жиҳозланган, ишлаб чиқарилаётган матолар сифати янада ошди. Бу дастгоҳлар унумдорлиги, соатига атиги 8 киловатт электр энергияси сарфлаши билан тадбиркорларга маъқул.

— Фаолиятимизни ўн киши билан бошлаган эдик, — дейди корхона раҳбари Ҳ. Очилов. — Айни пайтга келиб ишчи-ходимларимиз сони 300 нафардан ошди. Тайёр маҳсулотнинг асосий қисми, яъни тўқсон фоизи Польша, Бельгия, Германия каби давлатларга экспорт

қилинмоқда. Жорий йилда камида 1,5 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулотни хорижий буюртмачиларга етказамиз.

Бухоро шаҳрини 2021-2022 йилларда комплекс ривожлантириш ҳудудий дастурига кўра, 135 та инвестицион лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Бу 5 мингта янги иш ўрни яратилади, дегани.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

«Ўзмиллийбанк» АЖ:

ҲОЯ — СИЗДАН, САРМОЯ — БИЗДАН!

Истиқболли бизнес лойиҳаларини рўёбга чиқариш учун пухта режа ва албатта, бошлангич сармоя талаб этилади. Табиийки, бундай ҳолларда кўплаб тадбиркорларни бир савол ўйлантиради: “Ким билан ҳамкорлик қилсам бўлади?”

Бугунги кунда ҳеч иккиланмай айтиш мумкин, тадбиркор молиявий таъминот масалаларида бемалол банк муассасаларига суяниши мумкин. Айни масалада “Ўзмиллийбанк” АЖнинг минтақавий филиаллари ҳам тадбиркорлик субъектларининг ишончли шеригига айланган.

■ Молия муассасаларида

Банкнинг Наманган вилояти филиалига уюштирилган медиатур давомида бир қатор матбуот ва интернет нашрлари, телевидение вакиллари бунга яна бир бор амин бўлди. Таъкидлаш керакки, айни пайтда “Ўзмиллийбанк” АЖнинг вилоят филиали қаторида Наманган, Уйчи, Учқўрғон ва Чортоқ туманларида ҳам филиаллар, Косонсой, Чуст ва Тўрақўрғонда эса хизмат марказлари аҳолига сифатли молия хизматларини тақдим этиб келмоқда. Уларнинг кўмаги билан ўнлаб тадбиркорлар интенсив боғлар, йирик сичимли замонавий музлаткичлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш марказлари, умумий овқатланиш масканларини ишга туширди. Умуман олганда, банк томонидан охириги уч йилда 30 дан ортиқ ишлаб чиқариш лойиҳалари молиялаштирилди. Бунинг натижасида 1500 дан ортиқ фуқароларнинг бандлиги таъминланди.

“Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” — бу “Ўзмиллийбанк” АЖ Наманган вилояти филиали жамоасининг қатъий шioriига айланган. Ҳозирги кунда молия муассасаси 25,8 минг нафар мижозга хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг 14,4 минг нафари жимсийи, 11,4 мингтаси ўзбекистон шахс экани аҳолида муассаса хизматига ишонч ҳисси ортиб бораётганидан дало-

лат беради. Бунинг замирида ўзаро ҳисоб-китоб амалиётлари тезкор йўлга қўйилгани, замонавий ҳамён — пластик картчалардан фойдаланишдаги қўлайликлар муҳим омил бўлаётганини сезиш қийин эмас. Жойларда 21 та банкомат, 18 та инфокиоска, 2 минг 253 та савдо терминали фаолияти йўлга қўйилган.

Шунингдек, аҳолига валюта амалиётларида қўлайликлар яратиш мақсадида Наманган шаҳрида 4 та валюта айир-бошлаш шохобчаси ва 24/7 тартибда ишлайдиган битта автоматлаштирилган шохобча шаҳар аҳли ҳамда меҳмонлар хизматига.

— Муассасамизда замонавий инновацион банк хизматлари кўрсатилишига алоҳида аҳамият қаратилмоқда, — дейди филиал бўлим бошлиғи Баҳодир Хошимов. — Хусусан, мижозларимизнинг 21 фоизи масофадан бошқариладиган хизматлардан фойдаланмоқда. Чунончи, ҳисоб рақамларда банк айланмаларини амалга ошириш, онлайн кредит расмийлаштириш ёки кредит қарздорлигини қоплаш, халқаро ва миллий пластик картчаларда ҳар қандай банк амалиётлари ҳамда тўловларни қилиш, омонат расмийлаштириш, хорижий валюталарда конверсион амалиётлар, пул ўтказмалари каби хизматларни иш жойи ёки уйдан



чиқмаган ҳолда бажариш мумкин. Дарҳақиқат, Наманган вилоятида тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракати ривожига “Ўзмиллийбанк” АЖ фаол иштирок этаяётгани рост. Кўплаб бизнес субъектлари ўзларининг истиқболли лойиҳалари ижросида унинг хизматидан фойдаланишни маъқул кўрмоқда. Улардан бири — Наманган шаҳридаги “Doktor-A” масъуляти чекланган жамияти банкнинг молиявий ёрдамда замонавий клиникани ишга туширди. Медиатур давомида ушбу клиника фаолияти билан ҳам танишиш имкони бўлди. Юқори технологияли, аниқ диагностика ва даволалш ресурсларига эга малакали мутахассисларни жамлаган тиббий марказда неврология, эндокринология, гинекология, гастроэнтерология, урология, оториноларингология, стоматология, кардиохаррохлик йўналишларида хизмат кўрсатилмоқда.

— “Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан ажратилган 1 миллион 363 минг АҚШ доллари миқдоридagi кредит маблағига Европадан МРТ, рақамли рентген, рақамли УЗИ аппаратлари, ЛОР-комбайн каби бир қатор тиббий асбоб-ускуналарни келтирди, — дейди клиника раҳбари Толибжон Мамадумаров. — Марказимиз хизматларидан кунига 400 га яқин беморлар фойдаланади, бундан ташқари, юздан ортиқ ўринларга эга стационар поликлиника ҳам мавжуд.

Шундан сўнг журналист ва блогерлар вилоят марказидаги “Афсоналар водийси” маданият ва истирохот боғига ташриф буюрди. 155 гектар майдонни эгаллаган мазкур кўнгулчор масканда қиймати 123 миллион АҚШ долларига тенг бўлган йирик лойиҳа амалга оширилган. Бунда “Ўзмиллийбанк” АЖнинг ҳам ҳиссаси салмоқли бўлди.

Ҳозирги кунга келиб, “Афсоналар водийси” вилоят маданий хордик муассасалари орасида юқори ўринда турибди. Унинг ҳудудидан 16 турдаги аттракционлар, 2 минг 400 ўринга мўлжалланган

амфитеатр, 7 турдаги сув аттракционлари ва 16 хавзали аквапарк, иккита замонавий сунъий шаршара ва мусикали фавворалар, учта ресторан, 1 минг 800 ўринли иккита автотурагоҳ жой олган бўлиб, бу ташриф буюрувчиларга мароқли хордик чиқариш имкониятини беради.

Этиборли жиҳати, банк билан узвий ҳамкорликда богда лойиҳалар давом эттирилмоқда. Бугунги кунда мингга яқин ишчи-ходимлар меҳнат қилаётган “Афсоналар водийси” да яна қатор янги масканлар ишга туширилиши режалаштирилган. Жумладан, 2022 йилнинг март ойига келиб парк ҳудудига хунармандлар маркази, 400 ўринга мўлжалланган меҳмонхона ва юз ўринли вилалар фаолият бошлаши кутилмоқда.

Бугунги кунда Наманган иқтисодиётининг устунига айланган текстиль саноати ривожини банкларнинг кўплаб-қувватлашсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Хусусан, оддий хунарманддан тортиб йирик компанияларга бошлангич сармоя, айланма маблағ ва бошқа амалиётларда “Ўзмиллийбанк” АЖ кредитларидан фойдаланмоқда. “Aisha Home Textile” бренди остида ўз маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи “Oqtoosh Tekstil” масъуляти чекланган жамияти миллионда бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Медиатур қатнашчилари Тўрақўрғон туманида жойлашган ушбу корхонага ташриф буюриб, тўқимачилик саноатининг замонавий жараёнлари билан яқиндан танишди.

2012 йилда фаолиятини бошлаган корхона момик сочиқ, халат, чойшаб ва сауна учун тўпалмалар ишлаб чиқаришга иқтисослаштирилган. Бир гектардан ортиқ жойни эгаллаган ишлаб чиқариш майдонларида 550 дан зиёд ишчи-мутахассислар меҳнат қилади. Лойиҳанинг умумий қиймати 12,6 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, унинг 4,5 миллион доллари банк кредитига тўғри келади. Бу ерда Италия, Франция, Хитой каби мамлакатлардан келтирилган апликация қийин ускуналар юқори самарадорликни таъминламоқда. Корхона йилига 5 минг тоннагача тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Шу билан бирга, тайёр маҳсулотнинг 80 фоизи МДҲ, АҚШ ва Европанинг кўплаб мамлакатларига экспорт қилинаётди. Айни кунларда араб давлатлари ва Фарбий Европага товар етказиб бериш бўйича музокаралар олиб

борилмоқда. “Oqtoosh Tekstil”да, асосан, шаҳарча ҳудуди ва қўшни қишлоқларда истикомат қилаётган хотин-қизлар меҳнат қилади. Улардан бири — шахандлик Феруза Луқмонова доимий даромад манбаига эга бўлганидан бағоят хурсанд.

— Ишга корхонанинг автобусида келиб-кетамиз, — дейди Ф. Луқмонова. — Маошдан ташқари, тушлик ҳам беминнат. Замонавий дастгоҳларни бошқариш эса у қадар машаққатли юмуш эмас.



Наманган вилояти иқтисодиётини диверсификация қилиш натижаларидан бири — янги саноат тармокларининг шаклланиши ва ривожланишидир. Масалан, минтақада сўнгги йилларда фармацевтика соҳасида катта ютуқларга эришилди.

Яқинда Уйчи туманидаги “Бунёдкор Махсудбек Файз” фермер ҳўжалигига қарашли “AX MEDICAL FARM” қўша корхонаси бир марталик тиббий шприц ва гинекологик кўзгулар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. МЧЖ шаклидаги мазкур Ўзбекистон — Хитой қўша корхонасини ишга тушириш учун 2 миллион АҚШ долларидан зиёд сармоя киритилди. Шундан “Ўзмиллийбанк” АЖнинг кредит шаклидаги ҳиссаси 1 миллион 791 минг АҚШ долларини ташкил этади. Ҳозирги кунда олтимшдан зиёд кишиларни иш билан таъминлаган корхона йилига 200 миллион донга бир марталик шприц ва 300 минг донга гинекологик кўзгу ишлаб чиқариш қувватига эга. Ўз маҳсулотларини ички бозор билан бирга, Тожикистон Республикасига ҳам етказиб бераётган корхонадаги қизғин иш жараёнлари ОАВ вакилларида ёрқин таассурот қолдирди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

Хизматлар лицензияланган.

Мушоҳада

МАНГУЛИККА ДАХЛДОР КУНЛАР

Бугун жамиятимизнинг ижтимоий манзараси бутунлай янгилини палласига кирди. Энг муҳими, одамларнинг ҳаётга, меҳнатга, узининг тақдири ва эртанги кунига ишончи ортиб, юртдошларимиз қалбида дориламон кунларнинг сурури жўш ураётди.

Ҳар лаҳзаси мангуликка дахлдор кунларда ҳаётбахш ташаббусларнинг самаралари бўй кўрсатаётгани, қийин ва машаққатли даврлар ортида қолиб, ватандошларимиз чинакам инсонларвар ислохотлардан баҳраманд бўлаётгани, диёримизда бахтга эш янги кунлар бошлангани, элнинг толеи кулганидан далолатдир.



Айни кунларда Фарғона вилоятининг Бағдод туманида амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорликлар, янги Ўзбекистоннинг бугунги қиёфасини акс эттирадиган амалий ишлар — бўй кўрсатаётган янги истиқболларнинг бетакорр ёлқини сифатида фарғоналиклар қалбига ҳузур бағишлamoқда.

Юртининг янгича жамоли ҳар гўшада, Фарғонанинг боғу роғга айланаётган Бағдоди мисолида ҳам намоён бўлаётди. Даштлик ерлар, кўримсиз кенгликлар ўрнида қад ростлаётган янги шаҳар — Bag'dod City бағдодликлар юрагида ўзгача яратувчанлик туғёнларини тўлқинлантириб юборди. Хориж мегаполисларидан қолишмайдиган замонавий шаҳарча, кўп қаватли уйлар, энг сўнгги архитектура талаблари асосида бунёд этилган ижтимоий объектлар, кенг ва равон йўллар, чирой очган манзилар...

Буларнинг барчасида Бағдоднинг меҳнатсевар ва танти халқини, эртанги кун эгаларини тинчлик ва фаровонлик сатодатидан тўла баҳраманд этиш истаги муҳассамдир. Айтиш керакки, мамлакатда

оммалашаётган “Бағдод тажрибаси” шунчаки қурилиш ва бунёдкорлик ифодаси эмас, балки халқимизнинг узоқ йиллик орзулари, обод ва фаровон ҳаётга бўлган интилишларининг бугунги иқболи бўлиб хизмат қилаётди. Бугун туман марказидан 12-13 км. узоқда жойлашган дашт ҳудудидagi “Муруват” МФЙ Гулистон шаҳарчаси лойиҳаси доирасида бунёдкорлик ишлари якунига етказилиб, янги шаҳарча барпо бўлгани нафақат бағдодликлар, балки бутун Фарғона аҳлининг миннатдорлигига, шукроналигига сабаб бўлмоқда.

420 ўринли замонавий мактаб, янги мактабгача таълим муассасаси ҳамда маданият саройининг қад ростлаши шаҳарчанинг ўзига хос инфратузилмасини янада бойитишга хизмат қилди. Ҳудуддаги электр энергияси, ичимлик суви, табиий газ тармоқлари бутунлай янгиланди. Шаҳарчанинг бунёд этилишига уч мингдан зиёд қурувчиларнинг ақл-заковати, кучи ва меҳнати сарф этилган бўлса, яна минглаб бағдодликлар бу эзгу ишга ўз улушини қўшаётгани таҳсинга сазовор.

Бугун Бағдодга келиб, айни шу жараёнларга гувоҳ бўлиб турган одамлар билан сўхбатлашсангиз, “дастлаб иш бошланган вақтда бу ерларда мана шундай кўркам ва гажум шаҳарча пайдо бўлишига ишонмагандик. Бугун ўзимиз туғилиб ўсган, лой ва чанг қўчалар, кўримсиз уйлардан иборат бўлиб қолган кишлоғимизни танимай қолдик”, деб ўз ҳақдорини баён этади. Ҳа, ота-боболаримиз фикри ёдида фа-

қат орзу бўлиб қолиб кетган бу обод ҳаёт, бу инсонпарвар ислохотлар неъматларидан бугунги бағдодликлар баҳраманд. Ватанимиз тарихига бити-лажак бундай кулгул ишлар халқимизнинг бахтли ва фаровон ҳаёти, орзу-интилишларининг рўёбига қартилган миллионлаб эзгу ташаббусларнинг бири эканлиги, одамларнинг давлатдан, ўз тақдирдан рози бўлишига қаратилган улғув сазой-ҳаракатлар бардавом эканлиги қалбларимизни гурури-ифтихорга тўлдирди.

Шиддат билан ҳаётимизга кириб келаётган ўзгаришларнинг амалий ифодаси Фарғонада, илм-маърифатга ташна ёшлар, меҳнатсевар ва олижаноб одамлар юрти — Бағдодда бўй кўрсатаётганига барчамиз гувоҳимиз.

Агар сиз ва биз — янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги устувор вазифаларимизни сидқидилдан адо этар эканмиз, яқин орада Ватанимиз ҳар томонлама обод ва фаровон мамлакатга айланиши ҳақиқатдир. Айни дамда Фарғонага ўзгача кўрк бағишлаётган янги Ўзбекистоннинг янги Бағдодида боқар эканмиз, ана шу эзгу ишонч ва давват юрак-юрагимизда ақл садо бермоқда. Зеро, неча-неча аждодларимиз орзу-ният қилиб ўтган мана шундай буюк ишларни амалга ошириш бугун бизга насиб этган экан, бу ўзигини англаган ҳар бир ватандошимиз учун чинакам бахт ва шарафдир.

Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ,
Фарғона давлат университети ректори.

Реклама ўрнида

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ОЛИМПИАДА ҚЎМИТАСИ

РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича 2022 йил учун таянч докторантура, докторантура, мустақил изланувчилик ва стажёр-тадқиқотчи йўналишлари бўйича қабул эълон қилади:

Таянч докторантура: 14.00.38 — спорт тиббиёти — 1 ўрин; 14.00.19 — тиббий ва махсус психология — 1 ўрин; 14.00.44 — спорт физиологияси, фармакологияси ва генетикаси — 1 ўрин.	Зарур бўладиган ҳужжатлар: — РСТИАМ директори номига ариза; — меҳнат дафтарчасининг (тасдиқланган нусхаси); — олий таълим муассасасининг бакалаврият ёки магистратура (клиник ординатура) дипломларининг нусхалари; — эълон қилинган мақола ва тезислар нусхалари; — паспорт нусхаси; — 3x4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат; — шахсий варақа ва таржимаи ҳол (объективка).
Докторантура: 14.00.19 — тиббий ва махсус психология — 1 ўрин; 14.00.44 — спорт физиологияси, фармакологияси ва генетикаси — 1 ўрин.	Таянч докторантурага қирмоқчи бўлган талабгорлар чет тили ва ихтисослиги бўйича кириш имтиҳонларини топширади. Докторантурага қирмоқчи бўлган талабгорлар ихтисослик бўйича суҳбатдан ўтади. Ҳужжатлар 2021 йилнинг 15 октябригача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари жорий йилнинг 5 — 25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 6-уй. Телефон: 71-241-52-46.
Стажёр-тадқиқотчи: 14.00.38 — спорт тиббиёти — 1 ўрин.	Талабгорлар Инновацион ривожланиш вазирлигининг // phd.mininnovation.uz/ веб-сайтида рўйхатдан ўтишлари лозим.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

2022 йил учун таянч докторантура — фалсафа доктори (PhD) ҳамда мустақил изланувчиликка 17.00.02 — Мусиқа санъати ихтисослиги бўйича қабул эълон қилади.

Таянч докторантура — фалсафа доктори (PhD) (3 ўрин), докторантура (DSc) (1 ўрин) ҳамда мустақил изланувчиликка талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёхуд фан номзоди дипломи ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.

Ҳужжатлар 2021 йилнинг 15 октябрига қадар қабул қилинади.

ДИҚҚАТ: талабгорлар талаб қилинадиган ҳужжатларни phd.mininnovation.uz электрон манзили орқали юборишлари лозим.

Манзил: 1000027, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 1-уй.

Илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими.

Телефонлар: 71-244-94-50, 71-244-95-09.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

2022 йил 1-босқичи учун ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА, СТАЖЁР-ТАДҚИҚОТЧИЛИК ва ДОКТОРАНТУРАга қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:

№	Докторантура (DSc)		Таянч докторантура (PhD)		Мақсадли (PhD)	Стажёр-тадқиқотчи
	Ихтисослик шифри ва номи	Ажратилган квота сони	Ихтисослик шифри ва номи	Ажратилган квота сони		
1	03.00.10 — Экология		03.00.10 — Экология	2		
2	03.00.15 — Ихтиология		03.00.15 — Ихтиология	4		
3	06.01.01 — Умумий деҳқончилик. Пахтачилик		06.01.01 — Умумий деҳқончилик. Пахтачилик	5	1	
4	06.01.02 — Мелиорация ва сугорма деҳқончилик	1	06.01.02 — Мелиорация ва сугорма деҳқончилик	4		
5	03.00.13 — Тупроқшунослик		03.00.13 — Тупроқшунослик	3		1
6	06.01.04 — Агрокимё		06.01.04 — Агрокимё	3		
7	06.01.05 — Селекция ва уруғчилик	1	06.01.05 — Селекция ва уруғчилик	7		
8	06.01.06 — Сабзавотчилик		06.01.06 — Сабзавотчилик	7		1
9	06.01.07 — Мевачилик ва узумчилик		06.01.07 — Мевачилик ва узумчилик	3		
10	06.01.08 — Ўсимликшунослик		06.01.08 — Ўсимликшунослик	4		
11	06.01.09 — Ўсимликларни ҳимоя қилиш	1	06.01.09 — Ўсимликларни ҳимоя қилиш	7	1	1
12	06.01.11 — Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш		06.01.11 — Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш	7	1	
13	06.02.01 — Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш, селекцияси ва генетикаси. Қорақўлчилик		06.02.01 — Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш, селекцияси ва генетикаси. Қорақўлчилик	1		
14	06.02.03 — Хусусий зоотехния.Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси		06.02.03 — Хусусий зоотехния.Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси	3		1
15	06.02.04 — Ипакчилик		06.02.04 — Ипакчилик	4	1	1
16	06.03.01 — Ўрмон экинлари, селекция, уруғчилик ва шаҳарларни кўкаламзорлаштириш.Ўрмонлар агромелиорацияси ва ҳимоя ўрмонларини барпо этиш		06.03.01 — Ўрмон экинлари, селекция, уруғчилик ва шаҳарларни кўкаламзорлаштириш.Ўрмонлар агромелиорацияси ва ҳимоя ўрмонларини барпо этиш	7		
17	06.03.03 — Доривор ўсимликлар интродукцияси, етиштириш технологияси ва агрофарм экологияси		06.03.03 — Доривор ўсимликлар интродукцияси, етиштириш технологияси ва агрофарм экологияси	5		
18	08.00.08 — Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит		08.00.08 — Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит	2		
19	08.00.13 — Менежмент		08.00.13 — Менежмент	4		
Жами:	Докторантура (DSc)	3	Таянч докторантура (PhD)	82	4	5

Мурожаат учун манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй, ТДАУ, бош бино, илмий бўлим, 311-хона.
Телефонлар: 71-260-48-60, 71-260-39-73. E-mail: nauka@tdau.uz.

О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI TASARRUFIDAGI TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUTI

2022-yil uchun oliy o‘quv yurtidan keyingi ta’lim institutiga quyidagi ixtisosliklar bo‘yicha qabul e’lon qiladi:

TAYANCH DOKTORANTURA (PhD):
(ishlab chiqarishdan ajralgan holda o‘qish uchun)

15.00.01 - Dori texnologiyasi — (3 ta o‘rin)
15.00.02 - Farmatsevtik kimyo va farmakognoziya — (3 ta o‘rin)
15.00.03 - Farmatsevtika ishini tashkil etish — (1 ta o‘rin)

Talabgorlar taqdim qiladigan hujjatlar:

- ariza;
- qisqacha biografiik ma'lumotnoma (ob'ektivka);

mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi (ishlayotgan talabgorlar uchun);

- oliy ta'lim muassasasi magistraturasi diplomi yoki oliy ma'lumot (mutaxassislik dasturlari bo'yicha) to'g'risidagi diplom nusxasi;
- nashr etilgan ilmiy ishlar ro'yxati (kamida 1 ta maqola va 2 ta tezis) va ularning nusxalari;
- ilmiy rahbarning yozma roziligi;
- pasport nusxasi;
- 3x4 sm. hajmdagi 6 dona fotosurat.

Tayanch doktoranturada (PhD) o‘qish uchun kirayotgan talabgorlar ixtisoslik va chet tili bo‘yicha kirish imtihonlarini topshiradi.

DOKTORANTURA (DSc):
(ishlab chiqarishdan ajralgan holda o‘qish uchun)

15.00.02 - Farmatsevtik kimyo va farmakognoziya — (1 ta o‘rin)

Talabgorlar taqdim qiladigan hujjatlar:

- ariza;
- qisqacha biografiik ma'lumotnoma (ob'ektivka);
- mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi (ishlayotgan talabgorlar uchun);
- oliy ma'lumot, fan nomzodi yoxud falsafa doktori (PhD) yoki xorijiy davlatlarda unga tenglashtirilgan ilmiy darajaga ega bo'lganligi to'g'risidagi diplom nusxasi;
- nashr etilgan ilmiy ishlar ro'yxati (kamida 3 ta maqola va 2 ta tezis) va ularning nusxalari;
- ilmiy rahbarning yozma roziligi;
- pasport nusxasi;
- 3x4 sm. hajmdagi 6 dona fotosurat.

Doktoranturada (DSc) o‘qish uchun kirayotgan talabgorlar ixtisoslik bo‘yicha suhbatdan o‘tadi.

MUSTAQIL IZLANUVCHILIK: (ishlab chiqarishdan ajralmagan holda o‘qish uchun)
15.00.01 - Dori texnologiyasi
15.00.02 - Farmatsevtik kimyo va farmakognoziya
15.00.03 - Farmatsevtika ishini tashkil etish
14.00.17 - Farmakologiya va klinik farmakologiya

Talabgorlar taqdim qiladigan hujjatlar:

- ariza;
- qisqacha biografiik ma'lumotnoma (ob'ektivka);
- mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi (ishlayotgan talabgorlar uchun);
- falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasini olish uchun mustaqil izlanuvchi sifatida rasmiylashtirishga magistrlik yoki oliy ma'lumot (mutaxassislik dasturlari bo'yicha) to'g'risidagi diplom nusxasi;
- fan doktori (DSc) ilmiy darajasini olish uchun mustaqil izlanuvchi sifatida rasmiylashtirishga oliy ma'lumot, fan nomzodi yoxud falsafa doktori (PhD) yoki xorijiy davlatlarda unga tenglashtirilgan ilmiy darajaga ega bo'lganligi to'g'risidagi diplom nusxasi;
- nashr etilgan ilmiy ishlar ro'yxati (kamida 1 ta maqola va 2 ta tezis) va ularning nusxalari (PhD);
- nashr etilgan ilmiy ishlar ro'yxati (kamida 3 ta maqola va 2 ta tezis) va ularning nusxalari (DSc);
- ilmiy maslahatchining yozma roziligi;
- pasport nusxasi;
- 3x4 sm. hajmdagi 6 dona fotosurat;
- Ish joyidan tavsiyanoma.

Mustaqil izlanuvchilikka talabgorlarni tanlab olish 2021-yil 30-noyabrgacha bo‘lgan muddatda ixtisoslik bo‘yicha suhbat natijalari va qabul komissiyasining tegishli xulosasiga ko‘ra amalga oshiriladi.
Hujjatlarni qabul qilish muddati: 2021-yilning 15-oktabrigacha.
Kirish imtihonlari 2021-yilning 1 — 25-noyabr kunlari bo‘lib o‘tadi.
Qo‘shimcha ma‘lumotlarni 71-256-39-54 telefon raqami orqali olishingiz mumkin.
<http://www.phd.mininnovation.uz> tizimidan ro‘yxatdan o‘tish lozim.
Manzirimiz: Toshkent shahri, Oybek ko‘chasi, 45-uy, Toshkent farmatsevtika instituti, Ilmiy tadqiqot, innovatsiyalar va ilmiy pedagog kadrlar tayyorlash bo‘limi.

TOSHKENT TO‘QIMACHILIK VA YENGIL SANOAT INSTITUTI

OLIIY O‘QUV YURTIDAN KEYINGI TA’LIM INSTITUTIGA 2022-YIL UCHUN QUYIDAGI IXTISOSLIKLAR BO‘YICHA QABUL E’LON QILADI

TAYANCH DOKTORANTURA (PhD)
05.02.03 — Texnologik mashinalar. Robotlar, mexatronika va robototexnika tizimlari — 4 ta o‘rin
05.06.02 — To‘qimachilik materiallari texnologiyasi va xom ashyoga dastlabki ishlov berish — 24 ta o‘rin
05.06.04 — Tikuvchilik buyumlari texnologiyasi va kostyum dizayni — 4 ta o‘rin

DOKTORANTURA (DSc)
05.06.02 — To‘qimachilik materiallari texnologiyasi va xom ashyoga dastlabki ishlov berish — 1 ta o‘rin

TAYANCH DOKTORANTURA (PhD) va DOKTORANTURAgA (DSc) talabgorlar <http://phd.mininnovation.uz/> sayti orqali onlayn tarzda ro‘yxatdan o‘tadi va quyidagi hujjatlarni taqdim etadi:

- ✓ ariza;
- ✓ qisqacha biografiik ma'lumotnoma;
- ✓ mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi;
- ✓ oliy ma'lumot, fan nomzodi yoki falsafa doktori (PhD) ilmiy darajaga ega bo'lganligi to'g'risidagi diplom nusxasi (DScga talabgorlar uchun);
- ✓ oliy ta'lim muassasasi magistraturasi diplomi, oliy ma'lumot to'g'risidagi diplom nusxasi (PhDga talabgorlar uchun);
- ✓ nashr etilgan ilmiy ishlar ro'yxati, shuningdek ularning nusxalari;
- ✓ O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Davlat stipendiyasi sohiblarining tegishli hujjat nusxasi (PhDga talabgorlar uchun);
- ✓ pasport nusxasi;
- ✓ IELTS guvohnoma nusxasi (PhDga talabgorlar uchun).

Tayanch doktoranturada talabgorlar quyidagi fanlardan kirish imtihonlari topshiradi:

- mutaxassislik
- chet tili (ta'limning oldingi darajalarida o'rganilgan xorijiy til)

Hujjatlarni onlayn ro'yxatdan o'tkazish tartibi to'g'risida <http://phd.mininnovation.uz/> saytidagi yo'riqnoma orqali tanishish mumkin.
Hujjatlarni qabul qilish muddati 2021-yilning 15-oktabrigacha.

Murojaat uchun manzil: Toshkent shahri, Shohjahon ko'chasi, 5-uy, Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat institutining 1-binosi, 204-xona, tel.: 71- 253-08-08, 71-253-61-05, 90-808-27-81.

ФАРОВОНЛИК МАНБАИ РИВОЖИ ОЛИМЛАРГА КАТТА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ



Эндиликда халқимиз эҳтиёжидан ортган парранда маҳсулотларини бир неча хорижий мамлакатларга экспорт қилишни бошлади. Бу қисқа муддатда амалга оширилган иш! Жараён шу тарзда давом этадиган бўлса, Ўзбекистон парранда маҳсулотларини дунёга экспорт қиладиган етакчи мамлакатлардан бирига айланиши, шубҳасиз. Айни пайтда паррандаларни сақлаш, парвариш қилиш ва озиқлантириш технологияси борасида олимларимиз, амалиётчиларимиз томонидан баҳарлаётган тадқиқот ишлари, изланишлар ҳам ўз натижаларини беради, албатта. Шуниси аниқки, сифатли, пархезоб парранда бўлиши ва тухумга бўлган талаб ҳеч қачон сусаймайди, аксинча, эҳтиёж аҳоли сони кўпайиши борабарида, янада ортиб бораверади. Бу омиллар эса бевосита шу соҳа билан шуғулланувчи олимлар, тадқиқотчилар, амалиётчилар зиммасига янада катта масъулият ва вазифалар юклайди.

Статистик маълумотларга кўра, яқин йиллар ичида мамлакатимиздаги мавжуд йирик шохли қорамолларнинг 97 фоизи аҳоли хонадонларида сақланган, 3 фоизигина ҳўжаликларда бўлган. Кейинги икки йил ичидаги сай-ҳаракатлар натижасида буғун ўша 3 фоиз 8 фоизга айlandи. Лекин барибир 92 фоиз йирик шохли қорамоллар ҳали ҳам аҳоли хонадонларида боқилпти.

Бу рақамлар, яъни қорамолларнинг катта қисми аҳоли қўлида бўлиши уларни сақлаш, парвариш қилиш, озиқлантириш, касалликларнинг олдини олиш ва эмлаш тадбирларини олиб боришда, табиийки, ўзига хос қийинчилик ва мушкулотлар мавжудлигини далиллайди. Демак, яқин йилларда ҳозирги 8 фоизни 30 фоизга кўтарилшига ҳаракат қилишимиз керак. Агар йирик чорвачилик ҳўжаликларида мамлакатимиздаги мавжуд 30 фоиз қорамолларни сақлашга эриша оلسак, бу натижа билан наинки халқимизнинг гўшт ва сўт маҳсулотларига бўлган талабни тўлиқ таъминлаймиз, балки мазкур йўналишда экспортни янги босқичга чиқариш имконияти ҳам юзга келади.

Ҳозирги кунда мутасадди ташкилотлар томонидан ана шу тадбирларни жадаллаштириш устида иш олиб борилиши лозим. Ҳайвонларнинг йирик фермаларини ташкил этишни тезлаштириш керак.

Бу иш қандай реализация қилинади? Яъни гоҳини қандай амалга ошириш мумкин ва бу учун нима қилиш керак?

Биринчидан, республикаимизнинг ҳар бир туманида, жилакурса, 3 минг бошдан ортиқ қорамоллари бўлган ихтисослаштирилган йирик ҳўжаликлар

фаолияти йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқдир. Ҳўжаликдаги қорамоллар умумий сони 3 минг бошдан 10 минг бошгача бўлиши мумкин. Бунда ҳар бир туманининг ер майдони, лалми ва суғориладиган ерлари — имкониятлари даражаси, албатта, ҳисобга олинади. Бу ҳўжаликларда чорва моллари наслини яхшилаш ҳисобиغا маҳсулдорлигини ошириш, озуқа базасини шакллантириш, сервис хизматлари кўрсатилишини янада такомиллаштириш, шунингдек, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қайта ишлаш ва тизимли равишда аҳолига етказиб бериш мумкин.

Эътибор берсак, сўнгги йилларда барча суғориладиган ерлар қишлоқ ҳўжалик экинлари учун ажратилиб, фақат лалми ерлардан чорва учун фойдаланиб келинмоқда. Табиат инжиқликлари ҳисобга олинса, иқлим ўзгариши, баҳорда ёғингарчиликнинг меъёрдан кам бўлиши, ёз ойларида ҳароратнинг кескин кўтарилиши, яъни глобал исил натижасида бир марта экин ўсиб чиққан ер майдонлари кейинчалик унумдорлигини йўқотди. Шунинг оқибати ўлароқ, мана, ем-хашак таъминоти йилдан-йилга оғирлашиб бормоқда. Мамлакатимизда бу йил ҳам вазият аслида танг аҳволда. Ўзимиздаги заҳира билан чорвани қиш мавсумидан олиб чиқа олмаслигимиз мумкин. Бу эса ўз-ўзидан мавсумда гўшт ва сўт маҳсулотларининг таннархига таъсир кўрсатади.

Куз фаслининг биринчи ойи ҳам ниҳоясига етди. Иқлим инжиқликлари, қолаверса, фақат лалми ерлар ҳисоби-га чорва учун қиш фаслига етарли миқдорда ем-хашак заҳирасига эга эмаслигимиз соҳа мутасаддиларини таъвишлантирадиган ҳолат. Бу вазиятда қўшни Қозоғистон ва Россиядан ем-хашак сотиб олишимиз мумкин. Ўйлай-мики, ҳукуватимиз ва мутасадди ташкилотлар томонидан зарурий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Чорвачилик ривожига чегдан валютага олиб келинаётган насли қорамолларнинг иқлимига мослаша олмаслиги ва касалликларга тез чалиниши асосий тўсиқ бўлмапти, аксинча, бу-гун биз учун энг катта муаммо — чорва учун қулай ер майдонлари танқислигидир. Иқтисодчилар ҳисоб-ки-тобларига кўра, 40 фоиз ерлар чорвачиликка ажратилган бўлса, улар, асосан, суғорилмайдиган лалми ерлар ҳисобига тўғри келади. 60 фоиз унумли ерлар қишлоқ ҳўжалик экинлари учун ажратилган.

Чорвачиликдаги энг муҳим масала — бу мустаҳкам озуқа базасини яратишдир. Яъни унинг ривож ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг жадаллаштиришдаги муаммолар озуқа базасини мустаҳкамлаш ҳамда қорамоллар-

ни талаб даражасида тўйимли озуқалар билан таъминлашга бевосита ва бивосита боғлиқдир.

Иккинчидан, чорва учун асосий суғориладиган майдонлардан ҳеч бўлмаганда 15 фоиз ерлар ажратилса, дейлик, галла ва пахтадан кейин алмашинув сифатида ем-хашак экинларини экиш имконияти берилса (бунда ернинг кучини сақлаб турадиган экинлар танлаб олинади), ўзимизда ем-хашак заҳирасини шакллантириб олишга катта имконият ҳам пайдо бўлади.

Еки ер майдонларимиздан фойдаланганда, алмашлаб экиш техникасини самаралироқ ташкил этиш лозим. Мисол учун 40 фоиз ер галла, 40 фоиз ер пахта, 20 фоиз ер чорва учун ажратилиб, ерни кучсизлантирмаслик мақсадида бир неча йилда уларнинг ўрни алмаштириб борилса... Тўғри, бу бир оз мураккаб, аммо уддаласа бўлади. Қолаверса, шу йўл билан ерни асраймиз ва ундан янада самарали фойдаланамиз.

Учинчидан, аҳоли хонадонларидаги қорамолларни боқиш учун ҳам ер майдонлари танқис. Молни бир жойга боғлаб қўйиб, боқадиган ернинг ўзи йўқ, ем-хашак эса қиммат. Халқнинг қўлидаги, ҳам ҳўжаликлардаги қорамоллар боқиладиган ер майдонлари бўлиши шарт.

Чорвачиликни ривожлантиришни мақсад қилган эканмиз, ер масаласини чуқур ўйлаб қўришимиз зарур. Ҳозирги кунда ҳўжаликдаги ерлардан эскича усулда фойдаланиб келятмиз. Ернинг таркибини ўрганиб, унинг самарадорлигини ошириш борасида янги тадқиқотлар олиб бориш тақозо қилинади. Ернинг самарадорлиги мамлакат иқтисодиётида катта аҳамият касб этади. Чорвачиликка ажратилган суғориладиган ерлардан икки ёки уч марта ҳосил олиш имконияти яратилганда ҳам, бунда ернинг кучи сақлаб қолиниши керак. Мисол учун пахта экилганда, ерда нитратлар камайиб кетади, яъни гўза ердаги нитратларни сўриб олади, иккинчи экин экилганда (дейлик, озуқабоп) ер шу модда билан бойитилиши керак. Бу жараёнда агрономия ва чорвачилик соҳасидаги олимлар ва тадқиқотчиларнинг илмий ҳамкорлиги аини мудоафидир.

Шу ўринда бир воқеа эсимга тушди. 2017 йилда Тимирязев академиясида (Москва) ишлаб юрган пайтимизда Хитойдан делегация келди. Уларнинг мақсади россиялик олимлар билан ҳамкорликда ўқув ва илмий ишларни олиб бориш эди. Ушанда тупроқшунослик (агрохимия) билан шуғулланувчи олимларни Хитойга бориб ишлашни таклиф қилишди. Уларнинг сўзларига кўра, Хитой ерлари минерализацияга учраган, яъни яроқсиз аҳволга келиб қолган.



Маълумки, ерни ўз ҳолига келтириш учун узоқ йиллар талаб этилади. Ана шу хавф нуқтаи назаридан биз ердан оптимал ҳолда фойдаланиб, унинг яроқчилигини сақлаб қолишга интилишимиз, илм-фан ёрдамида «ернинг кучи» ўзида қолишга эришмоғимиз лозим. Бу фан олдида, олимлар олдида турган муҳим масала. Чорвачилик соҳаси олимлари агроном мутахассислар билан ҳамкорликда ишлаб, уларнинг хулосалари асосида иш олиб борилса, натижа самаралироқ бўлади. **Бу биргина ем-хашакни тайёрлаш муаммоси эди.**

Иккинчиси — эпизотик барқарорлиқни сақлаб қолиш муаммоси. Ҳайвонлардаги касалликларни даволаш муҳим жараён, лекин унинг олдини олиш, яъни профилактикаси янада долзарброқдир. Ветеринария хизмати тақомиллаштириш учун яқин қўшни мамлакатлар билан кўпроқ ҳамкорликда иш олиб бориш талаб этилади. Зотан, бирор ҳудудда юқумли касаллик пайдо бўлса, у сув ва ҳаво орқали теварак-атрофга жуда тез тарқалади, уни тўхтатиб бўлмайди.

Ўрни келганда айтиш керакки, Самарқанд ветеринария медицинаси институти тақомиллаштириш учун олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилади. Европа, Америка, Россия ва МДҲ мамлакатларининг энг илгор тажрибаларини ўрганган ҳолда ўзимизга мос ўқитиш услубини ярата олдик. Мутахассисларимиз замонавий биллимларга эга, рақобатбардор кадрлар бўлиб етиши учун барча имкониятдан самарали фойдаланамиз. Талабаларимиз ишлаб чиқаришдан ажралмган ҳолда таълимни амалиёт билан биргаликда олиб боради. Хорижий мамлакатлар билан ўрта қўшма факультет ташкил этганмиз. 2+2, 2+3 дастурлари асосида талабаларимиз бир йўла иккита дипломга эга бўлади. Шунга яраша уларнинг билим ва малакаси ҳам замонавий талабларга жавоб бера олиши учун астойдил интиляямиз. Бунинг учун эса имкониятларимиз етарли.

Россияда чоп этиладиган «Ветеринария ва чорвачилик» журналда яқинда шундай маълумот эълон қилинди (Россия Федерациясида 70 дан ортиқ олий ўқув юртларида ветеринария ва

чорвачиликка ихтисослашган мутахассислар тайёрланади). Мазкур мақолада кейинги йилларда ушбу олийгоҳлар тайёрлаётган мутахассислар битириб, диплом олгандан сўнг ишлаб чиқаришда 1 йилдан 3 йилгача муддатда ишлагач, ветеринария мутахассиси сифатида ишлаш олиш малакасига эга бўлиши ҳақида қизиқарли маълумотлар айтилган.

Бу билан нима демоқчимиз? Россияда бу соҳада нуфузли олийгоҳлар бор, мисол учун Скрябин, Тимирязев академиялари, Санкт-Петербург давлат университети ва ҳоказо. Мақоладаги маълумотлардан шуни аналша мумкинки, кейинги йилларда олий таълим муассасалари билан ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқалар анча сусайиб қолган. Бу соҳада амалиёт таълим билан узлуксиз ҳолда олиб бориладиган ижобий самара беради. Талабалар ўзлари ўрганаётган объектни фақат тасаввур этиб қолмасдан, уни ўз ўзлари билан қўриши, тажриба ва тадқиқотлар олиб бориши мумкин.

Олий таълим муассасаларида бошланғич курсларданқо ҳафтанинг маълун кунлари амалиёт учун ажратилса, профессор-ўқитувчилар томонидан берилаётган назарий билимлар амалиёт билан мустаҳкамланиб бориб, ана шунда рақобатбардор кадрлар етишиб чиқishi мумкин.

Давлатимиз биздан — Самарқанд ветеринария медицинаси институтидан ҳаммаша катта натижалар ва улўф мақсадларни кутади. Зеро, олийгоҳга асос солинган 2018 йилда — ветеринария мутахассислари тайёрлайдиган ягона олий таълим муассасаси ташкил этилаётган пайтда у минтақадаги етакчи ва нуфузли олий ўқув юртларидан бири бўлиши режалаштирилган.

Биз барча имконият ва салоҳиятимизни ана шу мақсадни рўёбга чиқариш йўлида сафарбар этишга интиламиз. Шунингдек, Ўзбекистонда ветеринария мутахассисларини тайёрлайдиган рақобатчи ОТМни ташкил қилиш ҳақидаги фикрларга ўз муносабатимизни билдиришни жоиз, деб ўйлаймиз. Бу келгусида амалга ошириш мумкин бўлган режа. Аммо бунга бир оз вақт — бир неча йиллар керак, назаримизда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, азал-азалдан халқимиз чорвачиликка қўт-барака манбаи сифатида қараб келади. Бу бежиз эмас. Дастурхонимиз тўқинлиги, турмушимиз фаровонлиги учун ҳам бу соҳадаги муаммоларни бартараф этиб, унинг ривожини жадаллаштириш жоиз. Шу маънода, ҳукуватимиз, Президентимиз томонидан чорва моллари бош сонини кўпайтириш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш орқали соҳада самарадорликка эришишга жиддий эътибор қаратилаётгани алоҳида эътирофга моликдир. Бу борада биз, олимлар зиммасига тушадиган вазифа ва масъулият ҳам анчайин залаварли.

Худойназар ЮНУСОВ, СамВМИ ректори, биолог, фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор.

O'ZBEKISTON DAVLAT JAHON TILLARI UNIVERSITETI

tomonidan tayanch doktorantura, doktorantura, stajyor-tadqiqotchilik va mustaqil izlanuvchilikka 2022-yil uchun qabul kvotalari tasdiqlandi.

O'zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligi tomonidan Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 22-maydagi «Oliy ta'limdan keyingi ta'lim tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi 304-sonli qaroriga asosan, O'zbekiston davlat jahon tillari universitetida tayanch doktorantura va doktoranturaga Davlat byudjeti mablag'lari hisobidan o'qitish uchun 2022-yilgi qabul kvotalari tasdiqlandi. Qabul kvotalari universitetda faoliyati yo'lg'a qo'yilgan ixtisosliklar bo'yicha quyidagicha taqsimlandi:

№	Ixtisoslik shifri va nomi	2022-yil uchun ajratilgan kvotalar soni				
		Tayanch doktorantura	Doktorantura	Maqsadli tayanch doktorantura	Maqsadli doktorantura	Stajyor-tadqiqotchilik
1.	10.00.04 — Evropa, Amerika va Avstraliya xalqlari tili va adabiyoti	2				3
2.	10.00.06 — Qiyosiy adabiyotshunoslik, chog'ishtirma tilshunoslik va tarjimonshunoslik	3	1	3	1	1
3.	10.00.07 — Adabiyot nazariyasi	1				
4.	10.00.09 — Jurnalistika	1	1			
5.	10.00.11 — Til nazariyasi. Amaliy va kompyuter lingvistikasi	1				
6.	13.00.01 — Pedagogika nazariyasi. Pedagogik ta'limotlar tarixi	1				
7.	13.00.02 — Ta'lim va tarbiya nazariyasi va metodikasi	5		3		2
8.	23.00.02 — Siyosiy institutlar, jarayonlar va texnologiyalar	1				
9.	23.00.04 — Xalqaro munosabatlar, jahon va mintaqara taraqqiyotining siyosiy muammolari	1				

Talabgorlar taqdim etiladigan hujjatlar ro'yxati va namunalari bilan @doctorate_bot havolasi orqali tanishib chiqishi mumkin. Hujjatlar 2021-yil 15-oktabragacha <http://www.phd.mininnovation.uz> sayti orqali qabul qilinadi.

Manzil: Toshkent shahri, Kichik halqa yo'li, G-9A mavzesi, 21-uy. Murojaat uchun telefonlar: 97-772-63-31, 97-777-60-94.

Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚХММИ)

2021/2022 ўқув йили учун қуйидаги кафедраларнинг вакант жойларига танлов эълон қилади.

Гидрология ва гидрогеология кафедраси – доцент;

Гидромелиоратив тизимлардан фойдаланиш кафедраси – доцент;

Ирригация ва мелиорация кафедраси – ассистент;

Экология ва сув ресурсларини бошқариш кафедраси – доцент;

Экологик геоахборот тизими маркази – доцент;

Тракторлар ва автомобиллар кафедраси – доцент;

Умумтехник фанлар кафедраси – катта ўқитувчи;

Қишлоқ ҳўжалиги машиналари кафедраси – катта ўқитувчи;

Гидромелиоратив ишларини механизациялаш кафедраси – катта ўқитувчи, доцент;

Электр таъминоти ва қайта тикланувчан энергия манбалари кафедраси – доцент;

Электротехника ва мехатроника кафедраси – ассистент, доцент;

Электротехнологиялар ва электр жиҳозларидан фойдаланиш кафедраси – доцент;

Ердан фойдаланиш кафедраси – кафедра мудири;

Геодезия ва геоинформатика кафедраси – доцент;

Олий математика кафедраси – доцент;

Бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси – доцент;

Инглиз тили кафедраси – ўқитувчи.

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ХУЖЖАТЛАР ТОПШИРИЛИШИ ЛОЗИМ:

- ариза (ректор номига);
- маълумотнома (объективка);
- шахсий варақа (сўронома);
- 2 дона 3x4 см. ўлчамдаги фотосурат;
- илмий ва услубий ишлар рўйхати (иш жойидан тасдиқланган шаклда);
- дипломлардан нусхалар;
- малака оширганлиги тўғрисида сертификат нусхалари (охирги 5 йиллик);
- паспорт нусхаси.

Аризалар матбуотда эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатга қабул қилинади.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, Кори-Ниёзий кўчаси 39-уйда жойлашган ТИҚХММИнинг Ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин. Маълумот учун телефонлар: 71-237-19-49, 71-237-09-85.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1048. 30 рақам нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўлабмақал тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиш учун бўлушни расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 22.25 Топширилди — 00.05 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбўтчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. М. М. М.

Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.